



«Uzbekistan GTL» mas'uliyati cheklangan jamiyati



20.02.2024
01-009-24-453/E

Ўзбекистон Республикаси Рақобатни
ривожлантириш ва истеъмолчилар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси

“Ўзбекистон Республика товар хом-
ашё биржаси” АЖ

Нусха: “Ўзбекнефтогаз” АЖ

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида жорий йилнинг 12 февраль куни ўтказилган аграр соҳадаги устувор вазифалар ва режалар ҳамда қишлоқ хўжалигида ишга солинмаган янги захираларни сафарбар этиш чора-тадбирлари муҳокамасига бағишланган йиғилишда берилган топшириқ ва вазифалар ижросини таъминлаш, шу жумладан ёқилғи маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бериш ва нархини арзонлаштириш мақсадида жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб, “Ўзбекнефтогаз” АЖнинг тегишли Бошқарув қарорига мувофиқ, “Uzbekistan GTL” МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган синтетик дизель компоненти ички бозорга сотиладиган ҳажмларига мутаносиб миқдорлари “Бухоро НҚИЗ” МЧЖга, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун етказиб берилиши белгиланган.

Бунда "Бухоро НҚИЗ" МЧЖ томонидан ярим-синтетик дизель ёқилғиси (SSDF) ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади ва ишлаб чиқарилаётган дизель ёқилғисининг нархлари ЭКО дизель ёнилғиси нархига нисбатдан 15%га арзонлаштирилади.

Республика истеъмолчиларига дизель ёқилғисининг нархини арзонлаштиришга эришиш, GTL заводининг ишлаб чиқариш ҳажмларидан келиб чиқиб, шу жумладан экспорт ва ички бозорга юклаш мажбуриятларини бажариш мақсадида, жорий йилнинг 19 февралдан бошлаб синтетик (GTL) дизель маҳсулоти биржа савдоларининг сотувига жойлаштирилиши вақтинчалик тўхталиши маълум қилинади.

Шундан бўён, “Uzbekistan GTL” МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган синтетик дизель ёнилғиси компоненти, таъсисчининг қарорига кўра, “Бухоро НҚИЗ” МЧЖда ишлаб чиқарилган дизель ёнилғиси билан аралашган холда ярим синтетик дизель ёнилғиси (SSDF) сифатида биржа савдоларига жойлаштирилиб борилади.

Бош директор



А. Бахадиров